

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ



5540800-Сув хўжалиги ва мелиорация бакалавриат таълим йўналиши
талабалари учун **ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ**
фанининг **ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИ** бўлимидан амалий машғулотларни
ўтказиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Андижон - 2007

Мазкур услубий кўрсатмалар 5540800-Сув хўжалиги ва мелиорация таълим йўналиши талабалари учун 4-боскичнинг 7-семестрига мўлжалланган.

Услубий кўрсатмалар АҚХИ илмий кенгашининг 2007 йил 20 декабрдаги 3 - сонли йиғилишида тасдиқланган.

Тузувчилар: катта ўқитувчи Т.Н. Иминов
ассистент С.Б. Назаров

Такризчилар: и.ф.н. Х. Баратов
и.ф.н. Р. Холбоев

Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча туб ўзгаришлар каби олий таълим соҳасида ҳам изчиллик билан ўзига хос ислохотлар қилинмоқда. Ана шундай даврда республикамизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилувчи малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида барча фанларни ўқитишни замонавий таълим усулларида ташкил этиш, талабаларни ҳар бир фан бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишига кўпроқ эътибор қаратиш ва шу каби бир қатор ишлар долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу вазифаларни ижобий ҳал қилиш учун ҳозирги кунда «Таълим тўғрисида» ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Давлат таълим стандартлари» талаблари бўйича жуда кўп дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилиб, улардан талабалар фойдаланмоқдалар. Лекин, амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар билан талабаларни таъминланиши талаб даражасида эмас. Бу муаммони ҳал қилишда «Тармоқ иқтисодиёти ва менежменти» фанининг «Тармоқ иқтисодиёти » бўлимидан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларни тайёрланиши ва чоп этилиши ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Муаллифлар ушбу услубий кўрсатмаларни тайёрлашда ўзларининг кўп йиллик илмий ва амалий тадқиқот ишлари натижаларидан ҳамда бошқа муаллифларнинг иш тажрибаларидан, шунингдек, «Тармоқ иқтисодиёти» га оид бошқа манбалардан фойдаланганлар. Ушбу услубий кўрсатмаларда 2005 йил 2 февралда ТИМИ илмий кенгашида тасдиқланган ва 2003 йил 17 сентябрда АҚХИ илмий кенгашида тасдиқланган фан дастурлари асосида танланган мавзулар ва улар бўйича аниқ топшириқлар акс эттирилган.

Жумладан, ҳар бир мавзуга оид аниқланиши лозим бўлгани иқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш формулалари, ҳар бир берилган топшириқни бажариш талаблари келтирилган. Амалий машғулотларда бажарилиши лозим бўлган топшириқлар бўйича барча ҳисоб-китобларни қулайлик нуқтаи назаридан жадвалларда амалга оширилиши тавсия этилган. Шунингдек, ҳар бир бажарилган топшириқ жадвалларига иқтисодий таҳлилларни келтириш ва ҳар бир амалий машғулот бўйича ўз хулосаларини ёзилиши сўралган.

Ушбу услубий кўрсатмалар 5540800-Сув хўжалиги ва мелиорация бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун «Тармоқ иқтисодиёти ва менежменти» фанининг «Тармоқ иқтисодиёти» бўлимидан амалий машғулотларни ўтказишга мўлжалланган. Унда берилган амалий машғулотлар ушбу йўналиш талабаларини фандан олинган назарий билимларини мустаҳкамлаш билан биргаликда қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқаришида сув ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланишнинг ниҳоятда зарурлигини ҳамда ер- сув ресурсларини эъзозлашни ўрганишда ёрдам беради.

**Тармоқ иқтисодиёти ва менежменти фанининг Тармоқ иқтисодиёти
бўлимидан 5540800 - Сув хўжалиги ва мелиорация бакалавриат таълим
йўналиши талабалари учун амалий машғулотлар мавзулари ва уларга
ажратилган соатлар**

№	Мавзулар номланиши	Ажратилган вақт, соат
1.	Сув ресурсларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.	2
2.	Суғориш системаларини қайта қуриш техник - иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.	2
3.	Сув хўжалигида меҳнат сарфи ва унумдорлигини топиш.	2
4.	Сув хўжалигида асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш.	2
5.	Томчилатиб суғориш усулини жорий этиш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.	4
6.	Суғориш системаларини қайта қуриш техник - иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.	2
	Жами :	14

1-амалий машғулот. Мавзу: «Сув ресурсларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш» (2 соат).

Сув ресурсларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида самарали фойдаланишнинг моҳияти кам ҳаражат билан суғориш суви бирлигига энг кўп маҳсулот етиштиришдир. Суғориладиган деҳқончиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш ва уни ошириб бориш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Ана шу мақсадда суғориш сувидан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва иқтисодий таҳлил этиш талаб этилади. Ушбу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Суғориш системасининг фойдали иш коэффиценти:

$$\text{ФИК}_{\text{сист}} = W_{\text{нетто}} / W_{\text{брутто}} \quad (1)$$

бунда: $W_{\text{нетто}}$ - экин майдонида оқиб кирган сув миқдори, м^3

$W_{\text{брутто}}$ - сув манбаидан олинган сув миқдори, м^3

2. Суғориш сувидан фойдаланиш коэффиценти:

$$\text{СФК} = E * \Phi / W_{\text{брутто}} \quad (2)$$

бунда: E – 1 га майдондаги экинни вегетация даврида истеъмол қиладиган сув миқдори, $\text{м}^3/\text{га}$

Φ - экин майдони, га

$$E = m * n = \text{м}^3/\text{га} \quad (3)$$

бу ерда: m - экин майдонини бир маротаба суғориш меъёри, $\text{м}^3/\text{га}$

n - экинни суғоришлар сони, марта

3. Суғориш суви маҳсулдорлиги:

а) миқдор кўринишида:

$$M^{\text{м}}_{\text{сув}} = \text{ЯМ} / W_{\text{брутто}} = \text{ц}/\text{м}^3 \quad (4)$$

б) қиймат кўринишида:

$$M^{\text{қ}}_{\text{сув}} = \text{ЯМҚ} / W_{\text{брутто}} = \text{сўм}/\text{м}^3 \quad (5)$$

буларда: ЯМ - ялпи маҳсулот миқдори, ц

ЯМҚ - ялпи маҳсулот қиймати, сўм

4. Ялпи маҳсулот миқдори:

$$\text{ЯМ} = F * X = \text{ц} \quad (6)$$

бунда: F - экин майдони, га

X - экин ҳосилдорлиги, ц/га

5. Ялпи маҳсулот қиймати:

$$\text{ЯМҚ} = \text{ЯМ} * X_6 = \text{сўм} \quad (7)$$

бу ерда: X_6 - 1 ц экинни харид ёки сотилиши баҳоси, сўм/ц

6. Фойда:

$$\Phi = \text{ЯМҚ} - X_{\text{жами}} = \text{сўм} \quad (8)$$

бунда: $X_{\text{жами}}$ - экин етиштириш учун йил давомида сарфланган жами ҳаражат, сўм

$$X_{\text{жами}} = \text{ЯМ} * T_{1\text{ц}} = \text{сўм} \quad (9)$$

бунда: $T_{1\text{ц}}$ - 1 ц экинни етиштириш таннархи, сўм/ц

7. 1000м^3 сув ҳисобига олинган:

а) ялпи маҳсулот миқдори:

$$ЯМ_{1000м}^3 = ЯМ / W_{\text{брутто}} = \text{ц/минг м}^3 \quad (10)$$

б) ялпи маҳсулот қиймати:

$$ЯМК_{1000м}^3 = ЯМК / W_{\text{брутто}} = \text{сўм/минг м}^3 \quad (11)$$

в) фойда:

$$\Phi_{1000м}^3 = \Phi / W_{\text{брутто}} = \text{сўм/минг м}^3 \quad (12)$$

Топшириқ. Хўжаликда суғориш сувидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқланг.

Топшириқни бажариш учун берилган маълумотлар.

1-жадвал

Берилган маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Й и л л а р		
			20__	20__	20__
1.	Экин майдони (пахта)	га			
2.	Ҳосилдорлик	ц/га			
3.	1 ц пахтани ўртача харид баҳоси	сўм/ ц			
4.	1 ц пахтани таннархи	сўм/ц			
5.	Сув манбаидан олинган сув миқдори	млн.м ³			
6.	Суғориш системаси ФИК	-			
7.	Суғоришлар сони (ўртача)	марта			
8.	1 марта суғориш меъёри	м ³ /га			

Топшириқни бажариш тартиби.

1-жадвал маълумотларидан ва (1)- (12) формулалардан фойдаланиб куйидагилар 2-жадвалда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

1. Суғоришга берилган сув миқдори.
2. Сувдан фойдаланиш коэффиценти.
3. 1000 м³ сув ҳисобига олинган:
 - а) ялпи маҳсулот миқдори;
 - б) ялпи маҳсулот қиймати;
 - в) фойда.

2-жадвал

Суғориш сувидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Й и л л а р		
			20__	20__	20__
1.	Сув манбаидан олинган сув миқдори	млн.м ³			
2.	Суғоришга берилган сув миқдори	млн.м ³			

3.	Суғориш системаси ФИК	-			
4.	Сувдан фойдаланиш коэффициенти	-			
5.	1000 м ³ сув ҳисобига олинган: а) ялпи маҳсулот миқдори; б) ялпи маҳсулот қиймати; в) фойда	ц/минг м ³ сўм/минг м ³ сўм/ минг м ³			

Хулоса.

2-амалий машғулот. Мавзу: «Қишлоқ хўжалик корхонасининг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига гидротехник мелиорациянинг таъсирини ҳисоблаш» (2 соат).

Гидротехник мелиорациянинг асосий вазифаси - қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Гидротехник мелиорацияга сарфланадиган маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини мелиорация ўтказилишигача ва ундан кейин олинган кўрсаткичларни таққослаш йўли билан аниқланади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Мелиоратив тадбир ҳисобига ялпи маҳсулот қийматининг ортиши:

$$\Delta \text{ЯМК} = \text{ЯМК}_{\text{кей}} - \text{ЯМК}_{\text{авв}} = \text{сўм} \quad (1)$$

бунда: $\text{ЯМК}_{\text{кей}}$, $\text{ЯМК}_{\text{авв}}$ – мелиоратив тадбирдан кейинги ва аввалги ялпи маҳсулот қиймати, сўм.

2. Мелиоратив тадбир ҳисобига жами ҳаражатларнинг ортиши:

$$\Delta X_{\text{жами}} = X_{\text{жами}}^{\text{кей}} - X_{\text{жами}}^{\text{авв}} = \text{сўм} \quad (2)$$

бу ерда: $X_{\text{жами}}^{\text{кей}}$, $X_{\text{жами}}^{\text{авв}}$ – мелиоратив тадбирдан кейинги ва аввалги жами ҳаражатлар, сўм.

3. Мелиоратив тадбир ҳисобига фойдани ортиши:

$$\Delta \Phi = \Phi_{\text{кей}} - \Phi_{\text{авв}} = \text{сўм} \quad (3)$$

бунда: $\Phi_{\text{кей}}$, $\Phi_{\text{авв}}$ – мелиоратив тадбирдан кейинги ва аввалги фойда, сўм

$$\Phi_{\text{кей}} = \text{ЯМК}_{\text{кей}} - X_{\text{жами}}^{\text{кей}} = \text{сўм} \quad (4)$$

$$\Phi_{\text{авв}} = \text{ЯМК}_{\text{авв}} - X_{\text{жами}}^{\text{авв}} = \text{сўм}. \quad (5)$$

4. Мелиоратив тадбир ҳисобига рентабеллик даражасининг ортиши:

$$\Delta P_{\text{д}} = P_{\text{д}}^{\text{кей}} - P_{\text{д}}^{\text{авв}} = \% \quad (6)$$

бунда: $P_{д}^{кей}$, $P_{д}^{авв}$ - мелиоратив тадбирдан кейинги ва аввалги рентабеллик даражаси, %

$$P_{д}^{кей} = \Phi^{кей} * 100 / X^{кей}_{жами} = \% \quad (7)$$

$$P_{д}^{авв} = \Phi^{авв} * 100 / X^{авв}_{жами} = \% \quad (8)$$

5. Мелиоратив тадбир ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ортиши:

$$\Delta MU = MU_{кей} - MU_{авв} = сўм / киши-кун \quad (9)$$

бу ерда: $MU_{кей}$, $MU_{авв}$ - мелиоратив тадбирдан кейинги ва аввалги меҳнат унумдорлиги, сўм/киши-кун

$$MU_{кей} = ЯМК_{кей} / MC_{кей} = сўм / киши-кун \quad (10)$$

$$, \quad MU_{авв} = ЯМК_{авв} / MC_{авв} = сўм / киши-кун \quad (11)$$

бунда: $MC_{кей}$, $MC_{авв}$ - мелиоратив тадбирдан кейинги ва аввалги меҳнат сарфи, киши –кун

$$MC = MC_{1га} * \Phi = киши -кун \quad (12)$$

бу ерда: $MC_{1га}$ - 1 га экин майдонига сарфланадиган меҳнат, киши –кун/га

6. Мелиоратив тадбирга сарфланадиган капитал маблағларни қопланиш муддати:

$$T_{коп} = K / \Delta \Phi = йил \quad (13)$$

бунда: K - мелиоратив тадбирга сарфланадиган капитал маблағ, сўм.

Топшириқ. Фермер хўжалиги ерларининг захини қочиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқланг.

Топшириқни бажариш учун берилган маълумотлар.

3-жадвал

Берилган маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ёпиқ зовур қурилишидан	
			Аввал	Кейин
1.	Ёпиқ зовур қурилишига сарфланадиган капитал маблағлар	м. сўм		
2.	1 га жами ҳаражатлар	сўм/ га		
3.	1 га меҳнат сарфи	киши- кун/га		
4.	Экин ҳосилдорлиги	ц/га		
5.	1 ц экинни сотилиш баҳоси	сўм/ц		
6.	Экин майдони	га		

Топшириқни бажариш тартиби.

3-жадвал маълумотларидан ва (1)- (13) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар 4-жадвалда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

1. Мелиоратив тадбир ҳисобига олинадиган қўшимча ялпи маҳсулот қиймати.
2. Мелиоратив тадбир ҳисобига қўшимча жами ҳаражатлар.
3. Мелиоратив тадбир ҳисобига олинадиган қўшимча фойда.
4. Мелиоратив тадбир ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ортиши.
5. Мелиоратив тадбир ҳисобига рентабеллик даражасининг ортиши.
6. Мелиоратив тадбирга сарфланадиган капитал маблағни қопланиш муддати.

4-жадвал

Фермер хўжалигида мелиорациянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ёпиқ зовур қурилишидан		
			аввал	кейин	фарқи, (+, -)
1.	Ялпи маҳсулот миқдори	ц			
2.	Ялпи маҳсулот қиймати	м. сўм			
3.	Жами ҳаражатлар	м. сўм			
4.	Фойда	м. сўм			
5.	Меҳнат унумдорлиги	сўм / киши- кун			
6.	Рентабеллик даражаси	%			
7.	Мелиоратив тадбирга сарфланган капитал маблағни қопланиш муддати	йил			

Хулоса.

3 – амалий машғулот. Мавзу: «Сув хўжалигида меҳнат сарфи ва унумдорлигини топиш» (2 соат).

Бозор иқтисодиёти шароитида сув хўжалигида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш бугунги сув хўжалигининг асосий вазифаларидан биридир. Сув хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш иқтисодий кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

1. Ишчилар сонининг ўзгариши:

$$+ \text{ИС}_{\text{ўрт}}^x = \text{ИС}_{\text{ўрт}}^x - \text{ИС}_{\text{ўрт}}^6 = \text{киши} \quad (1)$$

бунда: $\text{ИС}_{\text{ўрт}}^x$ – ҳисобот йилидаги ўртача ишчилар сони, киши

$\text{ИС}_{\text{ўрт}}^6$ – базис йилдаги ўртача ишчилар сони, киши

$$\text{ИС}_{\text{ўрт}}^x = (\text{ИС}_{\text{й.б.}}^x + \text{ИС}_{\text{й.о.}}^x) / 2 = \text{киши} \quad (2)$$

$$\text{ИС}_{\text{ўрт}}^6 = (\text{ИС}_{\text{й.б.}}^6 + \text{ИС}_{\text{й.о.}}^6) / 2 = \text{киши} \quad (3)$$

бу ерда: $\text{ИС}_{\text{й.б.}}^x$, $\text{ИС}_{\text{й.о.}}^x$, $\text{ИС}_{\text{й.б.}}^6$, $\text{ИС}_{\text{й.о.}}^6$ – ҳисобот ҳамда базис йилларининг йил бошидаги ва йил охиридаги ишчилар сони, киши

2. Бир ишчи ҳисобига тўғри келадиган хизмат кўрсатадиган майдон:

$$M_{\text{ишчи}}^{1\text{ишчи}} = M_{\text{х.к}} / \text{ИС}_{\text{ўрт}} = \text{га, м}^2/\text{киши} \quad (4)$$

бунда: $M_{\text{х.к}}$ – ташилот хизмат кўрсатадиган майдон; га, м^2

3. 100 га, м^2 хизмат кўрсатадиган майдонга тўғри келадиган ишчилар сони:

$$\text{ИС}_{100\text{га, м}^2} = \text{ИС}_{\text{ўрт}} / M_{\text{х.к}} = \text{киши} / \text{га, м}^2 \quad (5)$$

4. Меҳнат унумдорлиги:

а) 1 ишчи ҳисобига олинган маҳсулот қиймати:

$$M_{\text{У}} = \text{ҚМҚ} / \text{ИС}_{\text{ўрт}} = \text{сўм} / \text{киши} \quad (6)$$

б) 1 киши – соат меҳнат сарфи ҳисобига олинган маҳсулот қиймати:

$$M_{\text{У}} = \text{ҚМҚ} / \text{МС} = \text{сўм} / \text{киши - соат} \quad (7)$$

бу ерда: МҚ – қурилиш маҳсулоти қиймати, сўм

МС – меҳнат сарфи, киши –соат.

Топшириқ. Сув хўжалик қурилиш ташилототида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини ва меҳнат унумдорлигини аниқланг.

Топшириқни бажариш учун керакли маълумотлар.

5-жадвал

Берилган маълумотлар, киши

№	Меҳнат ресурслари турлари	Й и л л а р			20__ йилда 20__ йилга нисбатан	
		20__	20__	20__	(+,-)	%
1.	Ташилототидаги ишчи-ҳодимлар –жами					
	шундан:-эркаклар -аёллар					
2.	Ишчилар					
3.	Хизматчи ва бошқарувчи ҳодимлар					
4.	Қўриқлаш ҳодимлари ва фаррошлар					
5.	16 ёшгача ўспиринлар					

Топшириқни бажариш тартиби.

5-жадвал маълумотларидан ва (1) - (7) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар 6,7,8- жадвалларда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

- 1) 1 ишчи ҳисобига тўғри келадиган хизмат кўрсатиш майдони;
- 2) 1м^2 хизмат кўрсатадиган майдон ҳисобига тўғри келадиган ишчилар сони;
- 3) 1ишчи ҳисобига олинган иш ҳақи, маҳсулот қиймати, фойда;
- 4) 1киши-соат меҳнат сарфи ҳисобига олинган иш ҳақи, маҳсулот қиймати, фойда.

6-жадвал

Ташкилотда бир ишчига тўғри келадиган хизмат кўрсатиш майдони ва 100 га хизмат кўрсатадиган майдонга тўғри келадиган ишчилар сонини аниқлаш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2006 йилда 2004 йилга нисбатан	
			20__	20__	20__	(+, -)	%
1.	Ишчилар	киши					
2.	Хизматчи ва бошқа- рув ходимлар	киши					
3.	Қўриқлаш ходимлар ва фаррошлар	киши					
4.	Йиллик ўртача ишчи - ходимлар сони – жами	киши					
5.	Ташкилот хизмат кўрсатадиган майдон	м^2					
6.	1 ишчи ҳисобига тўғри келадиган хизмат кўрсатади- ган майдон	$\text{м}^2/\text{киши}$					
7	1м^2 хизмат кўрсата- диган майдонга тўғри келадиган ишчилар сони	киши/ м^2					

7-жадвал

Сув хўжалик қурилиш ташкилотида меҳнат унумдорлигини аниқлаш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Й и л л а р		
			20__	20__	20__
1.	Йиллик ўртача ишчилар сони	киши			
2.	Меҳнат сарфи	минг киши- соат			
3.	Қурилиш маҳсулоти қиймати	м.сўм			
4.	1 ишчи ҳисобига бажарилган қурилиш маҳсулоти қиймати	сўм /киши			
5.	1 киши –соат меҳнат сарфи ҳисобига бажарилган қурилиш маҳсулоти қиймати	сўм / киши- соат			

**Қурилиш ташкилотида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш иқтисодий
самарадорлигини аниқлаш**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Й и л л а р		
			20__	20__	20__
1.	Йиллик ўртача ишчилар сони	киши			
2.	Меҳнат сарфи	минг киши- соат			
3.	Жами ишлаб чиқариш ҳаражатлари шундан: - иш ҳақи	м.сўм м.сўм	312.. 138..	570.. 150..	659.. 238..
4.	Қурилиш маҳсулоти қиймати	м.сўм			
5.	Фойда	м.сўм			
6.	1 ишчи ҳисобига олинган : а) иш ҳақи б) қурилиш маҳсулоти қиймати в) фойда	сўм /киши сўм /киши сўм /киши			
7.	1 киши –соат меҳнат сарфи ҳисобига олинган: а) иш ҳақи б) қурилиш маҳсулоти қиймати в) фойда	сўм /киши сўм /киши сўм /киши			

Хулоса.

**4 – амалий машғулот. «Сув хўжалигида асосий фондлардан фойдаланиш
кўрсаткичларини ҳисоблаш» (2 соат).**

Асосий фондлар сув хўжалик ишлаб чиқаришининг ташкил этувчилардан бири бўлиб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида улардан самарали фойдаланиш заруриятдир. Асосий фондлардан сув хўжалигида фойдаланиш муҳим кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1.Ташкилотни фонд билан таъминланганлиги:

$$\Phi_{\text{таъм}}^T = \Phi_{\text{ас}} / M_{\text{т.э.}} = \text{сўм/м}^2, \text{ га} \quad (1)$$

бунда: $\Phi_{\text{ас}}$ – ташкилотдаги асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, сўм
 $M_{\text{т.э.}}$ – ташкилотни эгаллаган майдони; м^2 , га.

2. Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги:

$$\Phi_{\text{кур}}^{1\text{киши}} = \Phi_{\text{ас}} / XС_{\text{йил}}^{\text{ўрт}} = \text{сўм/киши} \quad (2)$$

бу ерда: $XС_{\text{йил}}^{\text{ўрт}}$ – ташкилотдаги йиллик ўртача ходимлар сони, киши.

3. Фонд қайтими:

$$\Phi_{\text{кайт}} = \text{ТМҚ} / \Phi^{\text{и/ч}}_{\text{ас}} = \text{сўм/сўм} \quad (3)$$

бунда: ТМҚ – ташкилотда тайёрланган товар маҳсулоти қиймати, сўм

$\Phi^{\text{и/ч}}_{\text{ас}}$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати, сўм.

4. Фонд сигими:

$$\Phi_{\text{сиг}} = \Phi^{\text{и/ч}}_{\text{ас}} / \text{ТМҚ} = \text{сўм/сўм} \quad (4)$$

Топшириқ. Сув хўжалик қурилиш ташкилотида асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқланг.

Топшириқни бажариш учун берилган маълумотлар.

9 – жадвал

Берилган маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Й и л л а р			20__й.да 20__й.га нисбатан	
			20__	20__	20__	(+,-)	%
1.	Асосий фондлар- нинг йиллик ўрта- ча қиймати-жами	м.сўм					
	шундан: - и/ч	м.сўм					
	- нои/ч	м.сўм					
2.	Жами айланма фондлар	м.сўм					
3.	Ташкилотни эгал- лаган майдони	м ²					
4.	Ташкилотдаги йиллик ўртача ходимлар сони	киши					
5.	Ташкилотда тайёр- ланган товар маҳ- сулоти қиймати	м.сўм					
6.	Маҳсулотни со- тишдан тушган пул тушуми	м.сўм					
7.	Фойда	м.сўм					

Топшириқни бажариш тартиби.

9 – жадвалдан ва (1)-(4) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар 10,11,12-жадвалларда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

1. Ташкилотдаги асосий фондларнинг таркиби ва уларнинг ўзгариши.
2. Ташкилотни фонд билан таъминланганлиги.

3. Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги.
4. Фонд қайтими.
5. Фонд сиғими.
6. Рентабеллик даражаси.
7. 1 сўм асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган фойда.

10-жадвал

Ташкилотдаги асосий фондларнинг таркиби ва уларнинг ўзгаришини аниқлаш

№	Асосий фондларнинг турлари	20__ й.		20__ й.		20__ й.		20__ й.да 20__ й.га нисба- тан, %
		қий- мати, м.сўм	салм оғи, %	қий- мати, м.сўм	салм оғи, %	қий- мати, м.сўм	салм оғи, %	
1.	Бинолар							
2.	Ўзатиш мосламалари							
3.	Машина ва жиҳозлар							
4.	Транспорт воситалари							
5.	Ўҳжалик ва ишлаб чиқариш жиҳозлар							
6.	Бошқа асосий фондлар - жами шундан: - ишлаб чиқариш - ноишлаб чиқариш							

11-жадвал

Ташкилотда фонд билан таъминланганлик ва меҳнатни фонд билан қуролланганлигини аниқлаш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	20__ й.	20__ й.	20__ й.	20__ й.да 20__ й.га нисбатан
1.	Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати- жами	м.сўм				
2.	Ташкилотнинг эгаллаган майдони	м ²				
3.	Ташкилотни фонд билан таъминланганлиги	сўм/м ²				
4.	Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги	сўм/ киши				

Ташкилотда асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Й и л л а р			20__й.да 20__й.га нисбатан	
			20__	20__	20__	фарқи, (+,-)	фоизда, %
1.	Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати- жами шундан: -ишлаб чиқа- риш	м.сўм м.сўм					
2.	Жами айланма фондлар	м.сўм					
3.	Ташкилотда тайёрлан- ган товар маҳсулоти қиймати	м.сўм					
4.	Фойда	м.сўм					
5.	Фонд қайтими	сўм/сўм					
6.	Фонд сиғими	сўм/сўм					
7.	Рентабеллик даражаси	%					
8.	1 сўм асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган фойда	сўм					

Хулоса.

5 - амалий машғулот. Мавзу: «Томчилатиб суғориш усулини жорий этиш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш» (4 соат).

Бугунги қишлоқ ва сув хўжалигининг асосий вазифаларидан яна бири – бу сув тежайдиган техника ва технологияларни кенг қўллашдир. Томчилатиб суғориш усулини қишлоқ хўжалигига жорий этиш иқтисодий самарадорлиги экин майдони ҳисобига сув сарфининг тежалиши, меҳнат сарфининг қисқариши, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ортиши ва шу кабилар билан белгиланади. Ана шу иқтисодий самарадорликни аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичларни топиш талаб этилади:

1. Йиллик тежаладиган сув миқдори :

$$W_{\text{теж}} = W_{\text{йил}} * \Delta \text{ФИК} = \text{м}^3 \quad (1)$$

бунда: $W_{\text{йил}}$ – вегетация давридаги эгатлаб суғоришда берилган сув миқдори, м^3

$\Delta \text{ФИК}$ – томчилатиб суғоришни қўллаш ҳисобига ФИКни ортиши.

2. Тежаладиган сув ҳисобига олинадиган иқтисод:

$$И_{\text{теж}} = W_{\text{теж}} * T_{1\text{м}}^3 = \text{сўм} \quad (2)$$

3. Томчилатиб суғориш усулини қўллаш ҳисобиган олинган қўшимча маҳсулот миқдори, маҳсулот қиймати, йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиоратив харажатларини тежалиши, қўшимча фойда:

3.1. Қўшимча маҳсулот миқдори:

$$QM = YM_T - YM_o \quad (3)$$

бу ерда: YM_T , YM_o – томчилатиб ва эгатлаб суғорилгандаги ялпи маҳсулотлар миқдорлари, ц

3.2. Қўшимча маҳсулот қиймати:

$$QMK = YMK_T - YMK_o = c_{\Sigma} m \quad (4)$$

3.3. Қўшимча йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиоратив харажатлар:

$$TX_{K/X \text{ ва } M} = X_{K/X \text{ ва } M}^o - X_{K/X \text{ ва } M}^T = c_{\Sigma} m \quad (5)$$

3.4. Қўшимча фойда:

$$Q\Phi = \Phi_T - \Phi_o = c_{\Sigma} m \quad (6)$$

4. Меҳнат сарфини тежалиши:

$$TMC = MC_o - MC_T = \text{киши-кун} \quad (7)$$

5. Меҳнат унумдорлигини ортиши:

$$MU_o = MU_T - MU_o = c_{\Sigma} m / \text{киши-кун} \quad (8)$$

6. Томчилатиб суғоришни қўллашга сарфланган капитал маблағни қопла-ниш муддати:

$$M_{\text{коп}} = K / \Delta\Phi + I_{\text{теж}} \quad (9)$$

7. Иқтисодий самарадорлик коэффиценти:

$$E = \Delta\Phi + I_{\text{теж}} / K \quad (10)$$

Топшириқ. Хўжаликда томчилатиб суғоришни қўллаш иқтисодий самарадорлигини аниқланг.

Топшириқни бажариш учун керакли маълумотлар.

13-жадвал

Берилган маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткич миқдори (қиймати)
1.	Томчилатиб суғоришга сарфланган капитал маблағлар	м. сўм	
2.	Суғориладиган ер майдони	га	
3.	Вегетация давридаги эгатлаб суғорилганда берилган сув миқдори	м ³	
4.	Томчилатиб суғоришни қўллаш ҳисобига ФИКни ортиши	-	
5.	1м ³ сувни олиб келиш таннарихи	сўм/м ³	

Топшириқни бажариш тартиби.

13 – жадвалдан ва (1)-(10) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар 14,15,16, 17,18,19,20-жадвалларда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

1. Томчилатиб суғориш усулини қўллаш ҳисобиган олинган қўшимча:
 - а) маҳсулот миқдори;
 - б) маҳсулот қиймати;
 - в) йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиоратив харажатлар;
 - г) фойда.
2. Йиллик тежаладиган сув миқдори.
3. Тежаладиган сув ҳисобига олинадиган иқтисод.
4. Меҳнат сарфини тежалиши.
5. Меҳнат унумдорлигини ортиши.
6. Томчилатиб суғоришни қўллашга сарфланган капитал маблағни қопланиш муддати.
7. Иқтисодий самарадорлик коэффициенти.

14-жадвал

Қўшимча маҳсулот миқдорини аниқлаш

№	Экин турлари	Эгатлаб суғоришда			Томчилатиб суғоришда			Қўшимча маҳсулот миқдори, ц
		Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи маҳсулот, ц	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи маҳсулот, ц	
1.	Пахта							
2.	Беда							
3.	Буғдой							
4.	Маккажўхори (дон учун)							
5.	Боғ ва узумзор							
6.	Бошқа экинлар							
	Жами:							

Қўшимча маҳсулот қийматини аниқлаш

№	Экин турлари	Эгатлаб суғоришда			Томчилатиб суғоришда			Қўшимча маҳсулот қиймати, ц
		Ялпи маҳсулот, ц	1 ц экинни сотилиш баҳоси, сўм/ц	Ялпи маҳсулот қиймати, м. сўм	Ялпи маҳсулот, ц	1 ц экинни сотилиш баҳоси, сўм/ц	Ялпи маҳсулот қиймати, м. сўм	
1.	Пахта							
2.	Беда							
3.	Бугдой							
4.	Маккажўхори (дон учун)							
5.	Боғ ва узумзор							
6.	Бошқа экинлар							
	Жами:							

16-жадвал

Йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиоратив ҳаражатларни аниқлаш

№	Экин турлари	Эгатлаб суғоришда			Томчилатиб суғоришда			Қўшимча йиллик к/х ва мел-в ҳаражатлар, м.сўм
		Ялпи маҳсулот, ц	1 ц экинга сарфланган к/х ва мел-в ҳаражатлар, сўм/ц	Йиллик к/х ва мел-в ҳаражатлар, м. сўм	Ялпи маҳсулот, ц	1 ц экинга сарфланган к/х ва мел-в ҳаражатлар, сўм/ц	Йиллик к/х ва мел-в ҳаражатлар, м.сўм	
1.	Пахта							
2.	Беда							
3.	Бугдой							
4.	Маккажўхори (дон учун)							
5.	Боғ ва узумзор							
6.	Бошқа экинлар							
	Жами:	х	х		х	х		

Қўшимча фойдани аниқлаш, минг сўм

№	Экин турлари	Эгатлаб суғоришда			Томчилатиб суғоришда			Қўшимча фойда
		Ялпи маҳсулот қиймати	Йиллик қ/х ва мелиоратив харажатлар	Фойда	Ялпи маҳсулот қиймати	Йиллик қ/х ва мелиоратив харажатлар.	Фойда	
1.	Пахта							
2.	Беда							
3.	Бугдой							
4.	Маккажўхори (дон учун)							
5.	Боғ ва узумзор							
6.	Бошқа экинлар							
	Жами:							

Меҳнат сарфининг тежалишини аниқлаш

№	Экин турлари	Эгатлаб суғоришда			Томчилатиб суғоришда			Тежалган меҳнат сарфи, киши-кун
		Экин майдони, га	1 га учун меҳнат сарфи, киши- кун/га	Жами меҳнат сарфи, киши – кун	Экин майдони, га	1 га учун меҳнат сарфи, киши- кун/га	Жами меҳнат сарфи, киши – кун	
1.	Пахта							
2.	Беда							
3.	Бугдой							
4.	Маккажўхори (дон учун)							
5.	Боғ ва узумзор							
6.	Бошқа экинлар							
	Жами:		х			х		

Меҳнат унумдорлигини ортишини аниқлаш

№	Экин турлари	Эгатлаб суғоришда		Томчилатиб суғоришда		Меҳнат унумдорлигини ортиши	
		Микдор кўринишидаги меҳнат унумдорлиги, ц/киши- кун	Қиймат кўринишидаги меҳнат унумдорлиги, сўм/киши- кун	Микдор кўринишидаги меҳнат унумдорлиги, ц/киши -кун	Қиймат кўринишидаги меҳнат унумдорлиги, сўм/киши- кун	Микдор кўринишидаги меҳнат унумдорлиги, ц/киши- кун	Қиймат кўринишидаги меҳнат унумдорлиги, сўм/киши- кун
1.	Пахта						
2.	Беда						
3.	Бугдой						
4.	Маккажўхори (дон учун)						
5.	Боғ ва узумзор						
6.	Бошқа экинлар						
	Жами:		х			х	

Фермер хўжалигида томчилатиб суғоришни қўллаш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Эгатлаб суғоришда	Томчилатиб суғоришда	Фарқи, +(ортиши) -(камаيиши)
1.	Томчилатиб суғоришга капитал маблағ	м. сўм	-		
2.	Йиллик тежалган сув миқдори	м ³	-		
3.	Ялпи маҳсулот қиймати	м. сўм			
4.	Йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиортив ҳаражатлар	м. сўм			
5.	Фойда	м. сўм			
6.	Суғориш сувини тежалишини ҳисобига олина-				

	диган иқтисод	м. сўм	-		
7.	Меҳнат сарфи	киши-кун			
8.	Меҳнат унумдорлиги	сўм /киши - кун			
9.	Капитал маблағни қопланиш муддати	йил	-		
10.	Иқтисодий самарадорлик коэффиценти	-	-		

Хулоса.

6 – Амалий машгулот. «Суғориш системаларини қайта қуриш техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш» (2 соат).

Суғориш системаларини қайта қуришда қурилиш ҳаражатларини камйтириш, қурилиш сифатини яхшилаш ва муддатини қисқартириш ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга эришилади. Ана шу иқтисодий самарадорликни аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичларни топиш талаб этилади:

1. Қайта қуриш ҳисобига тежаладиган сув миқдори:

$$W_{\text{теж}} = W_{\text{йил}} * \Delta \text{ФИК} = \text{м}^3 \quad (1)$$

бунда: $W_{\text{йил}}$ – вегетация давридаги каналнинг қайта қуриладиган оралиғида берилган сув миқдори, м^3

$\Delta \text{ФИК}$ – қайта қуриш ҳисобига ФИКни ортиши.

2. Тежаладиган сув ҳисобига олинадиган иқтисод:

$$I_{\text{теж}} = W_{\text{теж}} * T_{1\text{м}}^3 = \text{сўм} \quad (2)$$

$T_{1\text{м}}^3$ – қайта қуриладиган оралиқдаги майдонга 1м^3 сувни олиб келиш таннари, $\text{сўм}/\text{м}^3$

3. Қўшимча маҳсулот миқдори:

$$\Delta \text{ЯМ} = \text{ЯМ}_{\text{кей}} - \text{ЯМ}_{\text{авв}} = \text{ц} \quad (3)$$

4. Қўшимча маҳсулот қиймати, йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиоратив ҳаражатлар ва фойда:

$$\Delta \text{ЯМК} = \text{ЯМК}_{\text{кей}} - \text{ЯМК}_{\text{авв}} = \text{сўм} \quad (4)$$

$$\Delta X_{\text{к/х в ам}} = X_{\text{к/х в ам}}^{\text{кей}} - X_{\text{к/х в ам}}^{\text{авв}} = \text{сўм} \quad (5)$$

$$\Delta \Phi = \Phi_{\text{кей}} - \Phi_{\text{авв}} = \text{сўм} \quad (6)$$

5. Ишларни механизациялаш даражаси:

а) ер ишлари бўйича:

$$M_{ep} = V_{ep}^m / V_{um}^{ep} * 100 = \% \quad (7)$$

бунда: V_{ep}^m , V_{um}^{ep} – механизмлар билан ва умумий бажарилган ер ишларининг ҳажмлари, m^3 .

б) бетон ишлари бўйича:

$$M_{бет} = V_m^b / V_{um}^b * 100 = \% \quad (8)$$

бу ерда: V_m^b , V_{um}^b – механизмлар билан ва умумий бажарилган бетон ишларининг ҳажмлари, m^3

6. Механизмлар билан:

а) қурилишни таъминланганлик даражаси:

$$M_{кур} = \Sigma K_{маш} / K_c * 100 = \% \quad (9)$$

бунда: $\Sigma K_{маш}$ – канални қайта қуришда қатнашган машина ва механизмлар қийматларининг йиғиндиси, сўм.

K_c – йил давомида машина механизмлар билан бажарилган ишлар қиймати, сўм

б) ишчиларни қуролланганлиги:

$$M_{ишчи} = \Sigma K_{маш} / ИС_{ўрт} = сўм/киши \quad (10)$$

бу ерда: $ИС_{ўрт}$ – ўртача йиллик ишчилар сони, киши.

7. Энергия билан:

а) қурилишни таъминланганлиги:

$$\mathcal{E}_{таъм} = \Sigma H / K = кВт/минг сўм \quad (11)$$

бунда: ΣH – асосий қурилиш машиналари двигателларининг йиллик қувватлари йиғиндиси, кВт

K – йиғма молиявий-смета бўйича қурилишнинг умумий қиймати, сўм.

б) ишчиларни қуролланганлиги:

$$\mathcal{E}_{кур} = \Sigma H / P_{ишчи} = кВт/ киши \quad (12)$$

бу ерда: $P_{ишчи}$ – қурувчи ишчилар сони, киши.

8. Фонд самарадорлиги:

$$\Phi_{сам} = K_c / \Sigma K_{маш} = сўм/сўм \quad (13)$$

9. Капитал маблағни ўз-ўзини қоплаш муддати:

$$M_{коп} = K / \Delta \Phi + И_{теж} = йил \quad (14)$$

10. Иқтисодий самарадорлик коэффициенти:

$$E = \Delta \Phi + И_{теж} / K \quad (15)$$

Топшириқ. Магистрал канални қайта қуриш техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисобланг.

Топшириқни бажариш учун берилган маълумотлар.

Берилган маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори (қиймати)
1.	Умумий ер ишлари ҳажми	м ³	
	шундан: - механизмлар билан бажарилган ер ишлари	м ³	
2.	Умумий бетон ишлари ҳажми	м ³	
	шундан: - механизмлар билан бажарилган бетон ишлари	м ³	
3.	Йиллик ўртача ишчилар сони	киши	
	шундан: - қурувчи ишчилар сони	киши	
4.	Қурилишда қатнашган машина ва механизмлар қийматларининг йиғиндиси	м.сўм	
5.	Асосий қурилиш машиналари двигателларининг қувватлари йиғиндиси	кВт	
6.	Веgetация даврида берилган сув миқдори	м ³	
7.	Қайта қуриш ҳисобига канални ФИКни ортиши	-	
8.	1м ³ сувни олиб келиш таннари	сўм/ м ³	
9.	Йил давомида машина ва механизмлар билан бажарилган ишлар қиймати	м.сўм	
10.	Йиғма молиявий-смета ҳисоб- ларига кўра қурилишнинг уму- мий қиймати (капитал маблағ- лар)	м.сўм	

Топшириқни бажариш тартиби.

21 – жадвалдан ва (1)-(15) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар 22,23,24, 25-жадвалларда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

1. Канални қайта қуриш ҳисобиган олинган қўшимча:
 - а) маҳсулот миқдори;
 - б) маҳсулот қиймати;
 - в) йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиоратив харажатлар;
 - г) фойда.
2. Канални қайта қуришга сарфланадиган капитал маблағлар.
3. Ишларни механизациялаш даражаси:
 - а) ер ишлари бўйича;
 - б) бетон ишлари бўйича.

4. Механизмлар билан:
 - а) қурилишни таъминланганлик даражаси;
 - б) ишчиларни қуролланганлиги.
5. Энергия билан:
 - а) қурилишни таъминланганлиги;
 - б) ишчиларни қуролланганлиги.
6. Фонд самарадорлиги.
7. Тежаладиган сув ҳисобига олинадиган иқтисод.
8. Канални қайта қуришга сарфланадиган капитал маблағни қопланиш муддати.
9. Иқтисодий самарадорлик коэффиценти.

22-жадвал

Қўшимча маҳсулот миқдорини аниқлаш

№	Экин турлари	Қайта қуришдан аввал			Қайта қуришдан кейин			Қўшимча маҳсулот миқдори, ц
		Экин майdonи, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи маҳсулот миқдори, ц	Экин майdonи, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи маҳсулот миқдори, ц	
1.	Пахта							
2.	Буғдой							
3.	Беда							
4.	Маккажўхори (дон учун)							
5.	Боғ ва узумзор							
6.	Полиз экинлари							
	Жами :		х	х		х	х	х

Қўшимча маҳсулот қийматини ва йиллик қишлоқ хўжалик ва мелиоратив
ҳаражатларни аниқлаш

№	Экин турлари	Қўшимча маҳсу- лот миқдори, ц	1ц экинни сотилиш баҳоси, сўм / ц	Қўшимча маҳсулот қиймати, м. сўм	1ц экинга сарф. к/х ва мел-в ҳаражат, сўм / ц	Қўшимча йиллик к/х ва мел-в ҳараж., м. сўм
1.	Пахта					
2.	Буғдой					
3.	Беда					
4.	Маккажўхори (дон учун)					
5.	Боғ ва узумзор					
6.	Полиз экинлари					
	Жами :	х	х		х	

Қўшимча фойдани аниқлаш, минг сўм

№	Экин турлари	Қўшимча маҳсулот қиймати	Қўшимча йиллик к/х ва мел-в ҳаражатлар	Қўшимча фойда
1.	Пахта			
2.	Буғдой			
3.	Беда			
4.	Маккажўхори (дон учун)			
5.	Боғ ва узумзор			
6.	Полиз экинлари			
	Жами :			

Магистрал канални қайта қуришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткич миқдори (қиймати)
1.	Канални қайта қуришга сарфла- надиган капитал маблағлар	м.сўм	
2.	Ишларни механизациялаш даражаси:		
	- ер ишлар бўйича	%	
	- бетон ишлари бўйича	%	
3.	Механизмлар билан:		
	- қурилишни таъминланганлик даражаси	%	
	- ишчиларни қуролланганлиги	сўм/киши	
4.	Энергия билан:		
	- қурилишни таъминланганлиги	кВт/м.сўм	
	- ишчиларни қуролланганлиги	кВт/киши	
5.	Фонд самарадорлиги	сўм/сўм	
6.	Сув таъминотини яхшилаш ҳи-собиға олинадиган қўшимча фойда	м.сўм	
7.	Тежаладиган сув ҳисобиға олинадиган иқтисод	м.сўм	
8.	Капитал маблағни ўзини – ўзи қопланиш муддати	йил	
9.	Иқтисодий самарадорлик коэффициенти	-	

Хулоса.

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р Р Ё Й Х А Т И :

А С О С И Й А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. А.Султонов, З.Я.Худойбергенов, С.А.Қўчкарова. Сув хўжалиги иқтисодиёти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007 й.
2. А.Султонов ва бошқалар “Сугориладиган ерлар сув хўжалик экономикаси” Т.: “Мехнат”, 1989 й.
2. Д.Т.Зузик “Экономика водного хозяйства”. М.: “Колос”, 1980 г.
3. Н.Хамраев, С.Джалалов “Экономика водосберегающих технологий орошения в Узбекистане”. Т.: “Мехнат” 1990 г.

Қ Ё Ш И М Ч А А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Н.Тухлиев, А.Улмасов, Н.Жураев “Ишбилармонлар лугати”. Т.: Комуслар бош тахририяти, 1993 й.
2. А.Солиев, А.Улмасов, Н.Жураев “Тадбиркор йўлдоши”. Т.: “Университет”, 1994 й.
3. А.Улмасов, М.Шарифхужаев “Иқтисодиёт назарияси” Тошкент “Мехнат” 1995 й.
4. Н.Исабоев, М.Хамидова, Д.Алиева “Экинларни суғориш ва хосилдорлик”. Т.: “Мехнат”, 1991 й.
5. С.П. Шерматов “Эффективность эксплуатации оросительных систем”. Т.: “Мехнат” 1992 й.
6. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали.
7. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали.

1

28,1,26,3,24,5,22,7,20,9,18,11,16,13

2

14,15,12,17,10,19,8,21,6,23,4,25,2,27